



ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“22” июль, 2016 йил

Усмонхон АЛИМОВ
“17” ШАВВОЛ, 1437 х.й.

ДИН ВА ДУНЁ ОДОБЛАРИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муҳтарам жамоат! Жаннатмонад азиз юртимиз чиндан ҳам гўзал, унинг такрори бу дунёда мавжуд эмас. Мустақил диёримиз биз учун муқаддас замин саналиб, барчамиз унинг равнақи учун ҳаракат қилишимиз даркор бўлади. Она диёримиз Ўзбекистонимиз мана шундай улуғ ва муборакдир.

Бугунги Жума мавъизамизда Ислоннинг буюк одоби бўлган ҳаё ҳақида сўз юритамиз.

Инсон табиатидаги энг яхши фазилатлардан бири ҳаёдир. Ҳаё кишининг имон-этиқоди, одоб-ахлоқининг даражасига қараб, кўп ёки кам бўлади. Бир одам бемаъни ишлардан ўзини тортаётганини ёки бирор нолайиқ ишни қилиб қўйиб, хижолатдан юзи қизарганини кўрсангиз, билингки, у – ҳаёли инсондир.

Ҳаё икки хил: туғма ва таълим орқали бўлади. Таълим ва ўрганиш йўли билан ҳосил бўлган ҳаёни шариатда имоннинг шўъбаларидан бири деб ҳисобланган. Чунки, шариатда ўша ҳаё талаб қилинган, туғма ҳаё эмас. Чунки туғма ҳаё ўз-ўзидан бор нарса. Гоҳида шахс бундай ҳаёни ўзига яхши сингдирса худди туғма ҳаё даражасига етиши ҳам мумкин. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламда ҳаёнинг икки тури ҳам жам бўлган эди. Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам туғма ҳаёда улуғ мақомда эдилар. Ўрганиб ҳосил қилинган ҳаёда эса, энг баланд чўққида эдилар.

Ҳаё барча яхшиликларнинг асосидир. Унинг кетиши барча яхшиликларнинг кетишидир. Гуноҳлар аста – секин ҳаёни заифлаштириб бориб, бир йўла йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин. Агар бордию қилаётган ишларига бепарво бўлса, яхши-ёмонлигига эътибор бермай қилаверса, халқимиз ундай одамдан яхшилик чикмайди, унинг ҳаёси йўқ дейди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларининг қалбида барча яхши фазилатларни ўз ичига олган ҳаё бўлишини хоҳладилар. Аввало, ўзлари бу хулқ билан энг мукамал даражада сифатланган эдилар. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) шундай деганлар:

كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَشَدَّ حَيَاءً مِنَ الْعَدْرَاءِ فِي خِدْرِهَا وَكَانَ إِذَا رَأَى شَيْئًا

يَكْرَهُهُ عَرَفْنَاهُ فِي وَجْهِهِ (رواه مسلم)

яъни: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаё бобида чимилдиқдаги келиндан ҳам ўтар эдилар. Қачон ўзлари ёқтирмайдиган бирор нарсани кўрсалар, дарҳол юзларидан (норозилик аломатини) билиб олар эдик”.**

(Имом Муслим ривояти)

Ҳаё икки хил бўлиб, биринчиси инсоннинг табиатида мавжуд бўлган ҳис-туйғулар, иккинчиси Парвардигор ва халқ ҳузурида одобли бўлишдир.

Ҳаё тўғрисида сўз кетганда аввало, бу сифат аёлларимизда мужассам бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Аёлнинг ҳаёли, иболи ва ифбатли бўлиши кўркига кўрк қўшади. Чунки ўтмишга назар ташласак, бизларнинг боболаримиз ва бувиларимиз ифбатли ва ҳаёли бўлганларини кўрамиз.

لَوْ كَانَ الْحَيَاءُ رَجُلًا لَكَانَ رَجُلًا صَالِحًا لَوْ كَانَ الْفَحْشُ رَجُلًا لَكَانَ رَجُلًا سُوءًا (رواه الطبراني)

яъни: **“Агар ҳаё инсон бўлганда эди, солиҳ киши бўлар эди ва агар фаҳш инсон бўлганида, ёмон киши бўлар эди”.** *(Имом Табароний ривояти)*

Инсоннинг маънавий зийнати бўлмиш имон Аллоҳ таоло томонидан берилган буюк неъматдир. Имонни саломат сақлаш ва айниқса уни доим зиёда бўлиши учун ҳаракат қилиш, ҳар бир инсоннинг бурчидир. Имон кучли ва бақувват бўлиши учун унга боғлиқ бўлган барча хайрли амалларни адо этишни одат қилиш керак. Имонни зиёда бўлишига сабаб бўладиган омиллар устида тўхталиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: " الْأَيْمَانُ بَضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً فَأَفْضَلُهَا قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَادْنَاهَا أَمَاطَةُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ. وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْأَيْمَانِ "

(متفق عليه)

яъни: **“Имон олтмишдан зиёд бўлакдан иборатдир. Унинг энг афзали “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси бўлса, энг пастки даражаси йўлдаги инсонга азият етказадиган нарсани олиб ташлашдир. Ҳаё ҳам имондан бир бўлакдир”.**

Демак, ҳаё имондан бир бўлак бўлиб, у имонни сайқал топишида муҳим ўрин тутаети. Қайси бир кишининг ҳаёси кучли бўлса, демак, унинг имони ҳам бақувватдир. Ёки аксинча, қайси бир кишининг имони кучли бўлса, ҳаёси ҳам кучли бўлати. Халқимизда имонсизда ҳаё, ҳаёсизда имон бўлмайди, деб бежиз айтилмаган.

Ҳаёнинг маънодошлари орият, ибo, уят ва ор-номус бўлиб барчаси комил инсон учун зарурий нарсалардир. Ҳаё бу тортинчоқлик, синиқлик, бетга чопар бўлмаслик дегани. Бирор кимсадан танбех ёки дакки эшитса уялиб, терлаб, қилган ишидан пушаймон бўлиб, ноқулай вазиятга тушиб қолишга айтилади. Дакки эшитганда ундан тўғри хулоса қилмай, аксинча танбех берувчига ҳамла қилиш ёки унга чора кўриш уятсизлик балки худбинликдир. Инсон Яратганнинг олдида ҳаёли бўлса, бандаси олдида ҳам ҳаёли бўлати. Яна инсонга лозим нарса шуки, аввало Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё

билан ҳаё қилсин. Бунинг учун фикрини тўғрилаши ва ҳалқумини пок тутиб, парҳезкор бўлмоғи лозим. Расулulloҳ (сав) марҳамат қилиб шундай дейдилар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ: "اسْتَحْيُوا مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ . قَالُوا : " إِنَّا نَسْتَحْيِي مِنَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ . فَقَالَ : " لَيْسَ ذَلِكَ وَلَكِنَّ الْإِسْتِحْيَاءَ مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ أَنْ تَحْفَظَ الرَّأْسَ وَمَا وَعَى وَالبَطْنَ وَمَا حَوَى وَتَذْكُرَ الْمَوْتَ وَالْبَلَى فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ فَقَدْ اسْتَحْيَى مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ " (رواه مسلم)

яъни: *“Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё билан ҳаё қилинглр”. Шунда саҳобалар дедилар: “Алҳамду лиллоҳ биз Аллоҳдан ҳаё қиламиз”. Расулulloҳ бунга жавобан марҳамат қилдилар: “Ҳаё бундай бўлмайди, балки ҳақиқий ҳаё миядаги фикрни яхшилаш, ошқозонни поклаш яъни парҳезкор бўлиш ва ўлим ва чириб кетишликни доим ёдда тутиш билан бўлади. Кимки шуларга эътибор қилса Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё билан ҳаё қилибди”.*

Абу Айюб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"أَرْبَعٌ مِنْ سُنَنِ الْمُرْسَلِينَ: الْحَيَاءُ وَالتَّعَطُّرُ وَالسَّوَاكُ وَالنَّكَاحُ" (رواه الترمذي).

яъни: «Тўрт нарса Расулларнинг суннатларидандир; *ҳаё, хушбўй сепмоқлик, сивок ва никоҳ*», - дедилар». (Аҳмад, Термизий ривоят қилган.)

Ҳаё инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган сифатлардан биридир. Ҳаё инсонга зийнат ҳисобланган улуғ бир сифатдир. Ҳаё Пайғамбарларнинг ҳаммаларига муштарак сифат бўлган фазилатдир. Шунинг учун ҳам, ҳар-бир мўмин-мусулмон ҳаёли бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"إِنَّ مِمَّا أَدْرَكَ النَّاسُ مِنْ كَلَامِ النَّبِيِّ الْأُولَى: إِذَا لَمْ تَسْتَحِ فَاصْنَعْ مَا شِئْتَ"

(رواه البخاري وأحمد وأبو داود).

яъни: «Одамлар нубувватнинг биринчи каломидан идрок қилган нарсалардан бири *«агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қилавер»*дир», дедилар». (Бухорий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилган). Ҳа, ҳаёсиз киши барча ёмонликларни тап тортмай қилаверади. Одам боласини ёмонликдан қайтарадиган нарса унинг ҳаёсидир. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

"لِكُلِّ دِينٍ خُلُقٌ وَخُلُقُ الْإِسْلَامِ الْحَيَاءُ" (رواه ابن ماجه).

яъни: *«Ҳар бир диннинг ўз хулқи бордир. Исломнинг хулқи ҳаёдир»*, дедилар». (Ибн Можа ривоят қилган). Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Ҳаё ва имон иккиси бирга яқинлиштирилган. Қачон улардан бири кўтарилса, бошқаси ҳам кўтарилади»*, дедилар» (Ҳоким ривоят қилган).

Муҳтарам жамоат! Кейинги вақтларда айрим хотин-қизлар томонидан кийиниш маданиятига, урф-одатларимиз тамойилларига амал қилмай кўча-кўйларда очик-сочик ҳолда, ҳаё, ибод каби одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқишлари учрамоқда.

Уларга дин-диёнатли, имон-эътиқодли бувиларимиз ва момоларимизнинг намунали ва ҳаёли ҳаёт тарзлари ўрнатқучи бўлиши лозим. Шунда оиламиз мустаҳкам бўлади, фарзандлар баркамол бўлиб вояга етади. Яна аҳамият беришимиз зарур бўлган ишлардан бири интернетдан фойдаланганда риоя қилишимиз зарур бўлган одоблар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамоқда.

Интернетдаги, смартфон ва уяли телефонларда бўладиган муомала ва мулоқотларда кўнгилсиз ҳолатлар юз бермаслиги учун бу борадаги одобларга қатъий риоя қилиш лозим. Аввало, ният тўғри бўлиши керак. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:

"إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ" (رواه البخاري حديث مشهور).

яъни: **“Албатта, амаллар ниятларга кўра эътиборлидир...”**

Кишиларга хат-хабар ёзишда ҳам одоб-ахлоққа риоя қилиш шарт. Уятсиз, беҳуда, ҳаёсиз жумлаларни ёзиб, гуноҳ орттирмаслик лозим ёки одамлар ҳаёти ва обрў-эътиборига зарар берадиган турли асоссиз хабар ва фитнага солувчи маълумотлар тарқатиш асло дуруст эмаслигини барчаларимиз яхши билишимиз керак. Зеро, оғзаки нутқ билан ёзма нутқнинг гуноҳи баробардир.

Баъзи кишилар интернетдаги муомалаларига эътиборсиз бўлишади. Тўғри ва нотўғри хабарларга, ҳалол ва ҳаромга риоя этишмайди. Бу эса мутлақо нотўғридир. Аллоҳ таоло айтади:

ذَلِكَ وَمَنْ يُعِظْ حُرْمَاتِ اللَّهِ فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ عِنْدَ رَبِّهِ... ﴿٢٠٠﴾

яъни: **“(Гап) шудир. Кимки Аллоҳ ҳаром этган нарсаларни катта гуноҳ деб билса, бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир...”** (Ҳаж, 30).

Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилиш ҳамда ёмонлик ва душманликда ҳамкорлик қилмаслик шиор қилиб олиниши керак. Аллоҳ таоло амр қилади:

...وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ... ﴿٢٠١﴾ (سورة المائدة/2)

яъни: **“...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!...”** (Моид, 2).

Ислолда ҳамкорликнинг бош шарти яхшилик ва тақводир. Агар мана шу шарт топилса, ҳамма билан ҳамкорлик қилинаверади.

Мусулмон одам ўзига берилган умр неъматини азиз эканини, ундан унумли фойдаланиш ўзининг муқаддас бурчи эканини, охиратда унинг ҳар бир лаҳзасидан сўралиш борлигини бир зум ҳам унутмаслиги керак. Шу эътибордан ҳам, интернетга кириб олиб, беҳуда нарсаларга соатлаб, кунлаб вақт сарфлаш қаттиқ қораланади.

Аллоҳ таоло айтади:

لَا خَيْرَ فِي كَثِيرٍ مِنْ نَجْوَاهُمْ إِلَّا مَنْ أَمَرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَاحٍ بَيْنَ النَّاسِ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ ابْتِغَاءَ مَرْضَاةِ اللَّهِ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١١٤﴾

яъни: “Уларнинг кўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлсалар, бу яхшидир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз” (Нисо, 114).

Интернет имкониятларини баъзилар суиистеъмол қилиб, фақат ўз хоҳиши билан ёлғон хабарлар, суратлар ва видеолар ҳамда разиллик ва қотилликка чорловчи фитналарни тарқатишади. Уларнинг мақсади бирор натижага эришиш, мақтаниш ҳам, одамлар орасида машхурлик ҳам, шунчаки эрмак ҳам бўлиши мумкин. Аммо бундай ишлар буткул ножоиздир. Шаръан ва қонунан ҳам тўғри эмас.

Кишига интернетдан тўғри фойдаланишда, унинг ёмонликларидан сақланишда энг катта ёрдамчи – Аллоҳ таолонинг бандасини доим кўриб турганини, У зот ҳамма нарсадан воқиф эканини ҳамиша ҳис қилиб яшашдир.

Оқил одам шу хитобни асло ҳаёлидан қочирмаслиги, Аллоҳнинг ҳузурида ғайб – яширин нарсанинг ўзи бўлмаслигини доим ёдда тутиши лозим. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, ким яширинча қилган ишини кўздан махфий қолиб кетаверади деб ўйласа, адашади. Хоҳ яхши, хоҳ ёмон иш бўлсин, Аллоҳ уни барибир ошкор қилиб қўяди.

Ёш фарзандларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишларига рухсат беришда шонилмаслик лозим. Дарҳақиқат, жуда зарур эҳтиёж бўлсагина, унинг ушбу қўлланмада зикр қилинган одобларга қатъий риоя этишига кўз етсагина, ижозат бериш мумкин.

Юқорида зикр қилинган ояти карима ва ҳадиси шарифларда инсон учун ҳаёнинг нақадар улуғ фазилат эканини баён қилинди. Аллоҳ таоло барчаларимизнинг имонимизни басаломат сақлаб, ўзларимизни ҳам ва шу жумладан аҳлу аёлларимиз, севимли ўғил-қизларимизни ҳам гўзал одоб-ахлоқли, ҳаё ва иболи солиҳ бандалардан бўлишимизга муваффақ айласин! Омин.

Муҳтарам имом домла! Масжидларда намоз вақтига қатъи риоя этиб, хусусан жума намозини белгиланган вақтдан ўтказмаган ҳолда адо этишингизни ва жума иш қуни бўлганлиги учун намозхонларни кўп ушланиб қолишларига йўл қўймаглигингиз тавсия этилади!